ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БУХГАЛТЕРЛАР ВА АУДИТОРЛАР МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ – ҲОЗИРГИ ҲОЛАТ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги биринчи Қонуни 1992 йил 9 декабрь куни қабул қилинган. Шу фактни инобатга олган ҳолда, 2011 йилда икки профессионал ташкилот — Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон аудиторлар палатаси **9 декабрь санасини «Ўзбекистон бухгалтерлари ва аудиторлари куни» деб эълон қилдилар**.

2024 йил 9 декабрь куни Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамкорлигида **«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит – ҳозирги ҳолат ва ривожланиш истиқболлари» мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди,** Тадбир Ўзбекистон бухгалтерлари ва аудиторлари куни профессионал байрамига бағишланди.










RAMADA


GOLD


JAVLON AUDIT SERVIS
KRESTON TASHKENT
RAMADA
TANLOV HOMIYLARI / COMPETITIO


RAMADA
JAVLON AUDIT SERVIS


GOLD
RAMADA


GOLD
JAVLON AUDIT SERVIS













Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги вакиллари, Халқаро бухгалтерлар федерацияси **(IFAC)** вакили, Дипломли сертификатланган бухгалтерлар ассотсиацияси **(ACCA)**нинг халқаро эксперти, Евроосиё сертификатланган бухгалтерлар ва аудиторлар кенгаши **(ЕССБА)** ва Евроосиё бухгалтерлар ва аудиторлар гуруҳи **(ЕГБА)** вакиллари, шунингдек, Озарбайжон Республикаси, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия Федерациясининг профессионал ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этдилар. Бундан ташқари, тадбирда Евроосиё минтақасидаги соҳавий олий таълим муассасаларининг аудиторлари, бухгалтерлари, ўқитувчилари, докторантлари ва магистрантлари ҳам қатнашдилар.

Халқаро илмий-амалий конференциянинг мақсади - бухгалтерия касбида барқарор ривожланишга эришиш учун стратегик режалаштириш усуллари билан танишиш, Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси томонидан таклиф этилган стратегик режалаштириш воситаларидан фойдаланиш, Евроосиё минтақасида бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимларининг ҳолати ва уларни ривожлантириш масалалари билан боғлиқ.

Халқаро илмий-амалий конференциянинг иккинчи қисмида тантанали кечки овқат бўлиб ўтди. Тадбир карнай-сурнайнинг ҳайратомуз чиқиши билан бошланиб, миллий рақсларнинг ёрқин намойиши билан безатилди.







Бухгалтерия ва аудит касбини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссалари учун юксак эътироф сифатида меҳмонларга тантанали равишда анъанавий миллий либослар — «чопон» топширилди.

Халқаро илмий-амалий конференция доирасида «Йилнинг энг яхши аудитори-2024», «Йилнинг энг яхши бухгалтери-2024» ва «Йилнинг энг яхши ички аудитори-2024» номинациялари бўйича профессионал танлов натижалари эълон қилинди.

Биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган ғолиблар Биринчи, Иккинчи ва Учинчи даражали Дипломлар билан тақдирланиб, ҳамда ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғаларга сазовор бўлдилар.





